

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ҚОБИЛИЯТЛАР ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИЯДА ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Қахҳорова Дилфуза Муҳаммадовна

Осиё халқаро университети, Педагогика ва психология
мутахассислиги 1 курс магистранти.

Халқимиз тарихан битмас - туганмас маданий меросга, бетакрор этнопсихологик хусусиятларига, анъана ва урф - одатларига эга. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади» Ёш мустақил Ўзбекистон Республикамиз истиқлол йулининг биринчи қадамлариданок маънавиятимизни тиклаш, миллий таълим - тарбия тизимини такомиллаштириш, уни замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозаларига мос миллий таълим тизимини яратиш муаммосининг муҳимлигини эътироф этди. Бу даврда ўзбек этносининг кўп асрлик маданиятидан келиб чиққан ҳолда асосий хусусиятларини сақлаш мақсадга мувофиқ. Бу жараённинг кенг кўламда амалга оширилиши учун эса энг аввало таълим тарбия билан шуғулланувчи барча ходимларга айниқса психологларга жуда катта масъулият юклайди.

Ўқитувчилардаги педагогик қобилият ҳақидаги фикрлар адабиётларда биринчи бўлиб XIX аср ўрталарида пайдо бўлган. психологияда ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик перцептив қобилиятида А. Дистерверг диққат эътибор берди. Шундай қилиб, Дистерверг педагогик қобилиятнинг кучига, педагогик тактга ва қатъий эркинликка аҳамият берди. У ўқитувчининг билим орттиришлик қобилият тушунчасини илгари сурди. Сўнгра XIX асрнинг иккинчи ярмида П.Г.Редкин «ахлоқий қобилият» тушунчасини илгари сурди. Дистерверг, Редкин фикрларини К.Д.Ушинский давом эттирди. К.Д. Ушинский «Одамни тарбиялаш» нинг энг асосий йўли ишонтиришдир, одамнинг эътиқодига эса фақат ишонтириш билан таъсир қилиш мумкин», - дейди, Л.Н.Толстой: «Тарбиялаш мувоффақиятли бўлиши учун тарбияловчи кишилар сира тўхтамай ўзларини тарбиялай билишлари керак» - деганди.

Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, турли-туман анъаналарни жойига қўйиш, миллий қадриятларни янада ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурулишлар бўлгани барчага

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

аёндир. Давлатнинг буюк келажаги, албатта ёшларни чуқур билимли ва покиза ахлоқ-одобга эга эканлигини ёддан чиқармаслик керак.

Психология қобилиятлар ва фаолиятнинг муҳим компонентлари бўлмиш билимлар, малакалар ва кўникмаларнинг айнан бир хиллигини инкор қилар экан, уларнинг бирлигини таъкидлайди. Қобилиятлар фақат фаолиятда, шунда ҳам фақат ана шу қобилиятларсиз амалга оширилиши мумкин булмаган фаолиятдагина намоён бўлади. Агар кишини расм чизишга ўргатишга ҳали уринилмаган бўлса, агар у тасвирий фаолият учун зарур бўлган ҳеч қандай кўникмани эгалламаган бўлса, унинг расм солиш қобилиятлари тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, Фақат расм чизишга ва тасвирий санъатга махсус ўқитиш жараёнида ўқувчида қобилиятнинг бор ё йўқлиги аниқланиши мумкин. Бу унинг иш усуллари, ранг муносабатларини қанчалик тез ва осон ўзлаштириб олишида, теварак-атрофимиздаги оламда гўзалликни кўришга ўрганишида намоён бўлади.

Болада ҳали зарур кўникма ва малакалар системаси, мустақкам билимлар, таркиб топган иш усуллари йўқлигига асосланиб, жиддий текшириб кўрмай, шошилиш равишда мазкур ўқувчида қобилиятлар йўқлиги ҳақида хулоса чиқариш педагогнинг жиддий психологик хатоси ҳисобланади. Болалик пайтида кишидаги муайян қобилиятларнинг атрофдагилар томонидан тан олинмаганлиги, кейинчалик уларни янада ривожлантириш муносиб шон-шухрат келтирганлиги ҳоллари кўплаб учрайди. Альберт Эйнштейн ўрта мактабда унча яхши ўқимаган ўқувчи ҳисобланар ва унинг келажакда гениаллигидан, афтидан, ҳеч нарса далолат бермас эди.

Қобилиятлар индивидуал-психологик хусусиятлар бўлиш билан бирга уларни шахснинг бизга маълум бошқа хусусиятлари ва ҳислатларига — ақл-идрок фазилатларига, хотира, характернинг ўзига хос хусусиятларига, эмоционал хусусиятларга ва шу қабиларга қарама-қарши қўйиб бўлмайди, лекин улар билан бир қаторга қўйилиши мумкин. Агар у фазилатлардан биронтаси ёки уларнинг йиғиндиси фаолият талабларига жавоб бермаса ёки ана шу талаблар таъсири остида шаклланса, ундай пайтда бу шахснинг индивидуал-психологик



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

хусусиятларини қобилиятлар деб ҳисоблаш учун ҳам асос бўлади.

Қобилиятлар индивидуал-психологик хусусиятлар сифатида, яъни бир одамнинг бошқа бир одамдан фарқ қиладиган белгилари сифатида таърифланади. Тажриба ва ақл-идрок кишиларнинг тенг эмаслигини кўрсатади деганларида, кишилардаги қобилиятларнинг тенг бўлишини ёки жисмоний ва руҳий ҳислатларининг бир хил бўлишини тенглик деб тушунадилар.

Ўз-ўзидан маълумки, бу жиҳатдан кишилар тенг эмас. Ана унинг учун ҳам қобилиятлар ҳақида гап кетганда, бу фарқларни характерлаб ўтмоқ керак. Улар сифатли ва миқдорий бўлишлари мумкин. Педагог учун ўқувчининг қобилиятлари нимага нисбатан намоён бўлишини ва, бинобарин, ўқувчи шахсининг қандай индивидуал-психологик хусусиятлари фаолият жараёнига муваффақиятнинг мажбурий шарти сифатида киритилишини (қобилиятларнинг сифат характеристикаси) ҳамда ўқувчи фаолият томонидан қўйилган талабларни қай даражада бажариш қобилиятига эгаллигини, бошқаларга нисбатан малака, кўникма ва билимларни қанчалик тез, осон ва мустаҳкам эгаллай олишини (қобилиятларнинг миқдорий характеристикаси) билиш ҳам муҳимдир.

Бир қобилиятни бошқа бир қобилиятни ривожлантириш ёрдами билан компенсация қилиш хусусияти ҳар бир одам олдида касб танлаш ва унда такомиллаштириш чегараларини кенгайтирган ҳолда битмас-туганмас имкониятлар очиб беради.

Умуман олганда, қобилиятларнинг сифат жиҳатидан характеристикаси инсонга меҳнат фаолиятининг қайси соҳасида (конструкторлик, педагогик, иқтисодчилик, спорт ва бошқаларда) осонлик билан ўзини топа олади, катта ютуқларга ва муваффақиятларга эришади деган саволга жавоб топиш имкониятини беради. Бу билан қобилиятларнинг сифат характеристикаси уларнинг миқдорий характеристикасига узвий боғлиқдир. Қандай конкрет психологик фазилатлар мазкур фаолият талабларига жавоб беришини аниқлагандан кейин, қайси психологик фазилатлар кишида қай даражада ривожлангани у



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

билан бирга ишлаётган ва ўқиётган ўртоқларига нисбатан кўп ёки оз даражада ривожлангани тўғрисидаги саволга жавоб бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Тарбиявий иш методикаси. (Л.И.Рувинский таҳрири остида) Т., 1991 й.
2. Ковалев А. Г., Мясищев В. Н. психологические особенности человека, т. 2. Способности. Л., ЛДУ нашриёти, 1950.
3. Крутецкий В. А. психология математических способностей школьников. М., Просвещение, 1968.
4. Кузьмина Н. В. Формирование педагогических способностей. Л., ЛДУ нашр.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings



E- CONFERENCE
SERIES